



## МИНТАҚАДА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК СИЁСАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА РОЛИ

**Мирзаджанов Азим Хақимджанович**

*Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси  
катта ўқитувчи, Олий таълим тизими кадрларини қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси.  
azim.13@mail.ru*

**Аннотация:** Мақолада давлатларнинг ижтимоий-демография стратегик мақсадларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи хавфли омиллар, демографик сиёсат ёрдамида бутун демографик вазиятни барқарорлаштириш долзарб вазифа таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** *Ижтимоий-демография, статистика, стратегия, таълим тизими, аҳоли сони, аҳоли зичлиги, тугилиш даражаси, миграция.*

**Аннотация:** *В статье анализируется актуальная задача стабилизации всей демографической ситуации с помощью опасных факторов демографической политики, препятствующих реализации социально-демографических стратегических целей государств.*

**Ключевые слова:** *Социально-демография, статистика, стратегия, система образования, население, плотность населения, рождаемость, миграция.*

**Annotation:** *the article analyzes the urgent task of stabilizing the entire demographic situation with the help of dangerous factors, demographic policies that prevent the implementation of the socio-demographics strategic goals of states.*


**Keywords:** *socio-demography, statistics, strategy, education system, population, population density, birth rate, migration.*

Ҳар бир давлатнинг энг муҳим элементи бу унинг аҳолисидир. У ўз мамлакатини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларини белгилайди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги муваффақияти нафақат уни бошқарадиган одамларга боғлиқ, шунингдек, демографик ривожланиш тенденциялари иқтисодий салоҳият, рақобатбардошлик ва сиёсий барқарорлигини белгилайди.

Сўнгги йилларда дунёда кўплаб инкирозли ходисалар ўзини намоён қилди ва демографик ривожланиш фонида кўплаб янги муаммоларни келтириб чиқарди. Бугунги кунда мавжуд бўлган ижтимоий-демографик муаммолар бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Ер шарининг бор-йўғи 29,2 фоизи куруқлик. Ана шу куруқликнинг ярмини ўнта давлат эгаллайди. Улардан икkitаси – Хитой ва Ҳиндистонда сайёра аҳолисининг 35 фоизи яшайди.

Ҳозир Ер сайёрасида халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар томонидан алоҳида мустақил давлат деб тан олинган 200 га яқин давлат бор. Уларнинг ҳудудлари жуда нотекис жойлашган. Бири сайёранинг катта бир қисмини эгаллаган бўлса, яна бири бир шаҳарнинг бир кварталини эгаллаган холос.

Худудий жихатдан, дунёнинг энг йирик давлати Россия, унинг худуди Ер юзидаги курукликнинг 22 фоизини ташкил этади. Ён қўшимиз Қозоғистон худуди Ер юзидаги курукликнинг 4 фоизини ташкил этади ва у дунёда 9 ўринда туради (1-расм).



**1-расм. Дунёнинг йирик худудларини эгаллаган давлатлари**

Ўзбекистон Республикаси ўз худудининг катталиги бўйича дунёда 56-ўринда туради. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, умумий майдони 448,9 минг км<sup>2</sup>.ни ташкил этади. Республика худуди шарқдан ғарбгача 1 425 км ни, шимолдан жанубгача эса 930 км ни ташкил этади.

Республика шимолда ва шимолий-шарқда Қозоғистон, шарқда ва жанубий-шарқда Қирғизистон ва Тожикистон, ғарбда Туркманистон, жанубда эса Афғонистон билан чегарадошдир. Давлат чегарасининг Афғонистон билан узунлиги – 143 км., Қозоғистон – 2.356,31 км., Қирғизистон – 1.476,12 км., Тожикистон – 1.283,2 км. ва Туркманистон билан – 1.831,49 км.

Бирок, бу давлатларда худудий майдони каби, демографик ўзгаришлар ҳам бири-бирдан сезиларли даражада фарқ қилади. Бугун дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида демографик муаммолар кузатилмоқда. Аҳоли сони камайиб, ҳатто бошқа давлатлардан кўчиб келувчилар ҳам бу бўшлиқни тўлдиролмаяпти. Хўш, Марказий Осиё давлатларида демографик вазият қандай?

Марказий Осиёдаги бешта республиканинг демографик кўрсаткичларига қаралса хилма-хилликни кўриш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистонда аҳоли сони тез суратларда кўпайган. Қирғизистонда ўртача, Қозоғистонда эса кўрсаткичлар анча паст бўлган.

Ҳатто, 1990-йиллар ўрталарида мамлакат аҳолиси 2 млн атрофида камайиб кетган. 2015 йилдан сўнг туғилиш кўпайиб, аҳоли сони ҳам шунга ҳамоҳанг ўса бошлади.

Туркменистон эса бу ҳақдаги маълумотларни узок йиллардан буён ошкор қилмайди. Умумий ҳисобда Марказий Осиё аҳолиси 80 миллиондан ошади.

Ўзбекистон аҳоли сони бўйича дунё давлатлари орасида 43-ўринни эгаллайди ва Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп мамлакат ҳисобланади. Республикада аҳоли анча зич яшайди ва 2024 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 1 кв. километрга ўртача 82,3 киши тўғри келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳозирда туғилиш даражаси бўйича МДХ давлатлари орасида Тожикистон билан бирга юқори ўринларни эгаллайди. 2022 ва 2023 йилларда мос равишда 1 млн.га яқин чақолоқлар туғилган, 2030-йилга бориб мамлакатимизда аҳолининг сони 43 млн.дан ошиши, шундан 16 млн.га яқини ёшлар ташкил қилиши прагноз қилинмоқда, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифати аҳоли такрор ишлаб чиқаришнинг ижобий динамикасида намоён бўлади.

Бугунги кунда демографик вазиятни яхшилаш чораларини кўриш зарур, 1989 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган ва унда республика аҳолисининг сони 19,7 миллион кишини ташкил этган. 1990 йилда республика аҳолиси 20,2 млн нафар бўлган. 2000 йилда 24,5 млн, 2010 йилда 28 млн, 2020 йилда 33,9 млн нафарга кўпайган. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг 1 апрель ҳолатига республика аҳолиси 37,6 млн нафарни ташкил этмоқда. Шундан: аёллар сони – 18,7 млн киши, экаклар сони – 18,9 млн киши, шаҳарда яшовчилар – 19,2 млн киши, қишлоқда яшовчилар – 18,4 млн киши, кўчиб келган – 561 киши, кўчиб кетган – 2586 киши.

Республикамизнинг доимий аҳолиси сони ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,1 %га ошган. Мамлакатимиз аҳолиси 2024 йил бошидан буён 163,5 минг кишига кўпайган бўлса, 2024 йилнинг ҳар бир ойида ўртача 54,5 минг кишига ошган. 2024 йилнинг ҳар бир кунида эса доимий аҳоли сони ўртача 1,8 минг кишига кўпаймоқда.

Аҳолининг 57 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, 32 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 11 фоизи кексалар ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий фаол сони 14,641 млн. киши, ўртача ёши 29 ёш ҳисобланади. 2024 йил 1 январь ҳолатига юртимизда 14–30 ёшдаги жами доимий аҳоли сони 9,6 млн нафарни ташкил этган.

Ҳозирги вақтда ўртача умр кўриш 74,3 ёшни ташкил этади, шундан аёлларда 76,6 ёш, эркекларда 72,1 ёш. Мустақиллик йилларида бу кўрсаткич 7,9 йилга ўсган.

Ён қўшниларимизда мустақилликдан кейин демографик вазият бироз бошқача бўлган. Хусусан, Қозоғистон аҳолиси 1987 йилда 16 миллиондан ошган бўлса, 1991 йилда 16,8 миллион кишини ташкил этди.

1994 йилгача аҳоли кўпаймади ва шу ҳолида турди. Яъни мамлакатдан кўп сонли руслар, немислар, чеченлар ва бошқа миллатлар кўчиб кетган бўлса, уларнинг ўрнига Россия, Монголия, Хитой, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркменистондан кўплаб қозоқлар кўчиб киришди. Шу тариқа аҳоли сони ўсмаган бўлса ҳам мувозанат сақланди.



Бироқ 1995 йилдан бошлаб негадир аҳоли сони кескин камая бошлади ва 1999 йилга бориб 14 млн нафарга тушиб қолди. 5 йил аҳоли умуман кўпаймади. 2004 йилдан бошлаб одамлар сони жуда паст кўрсаткич билан ўса бошлади ва фақат 2010 йилга келиб 1987 йилдаги натижа, 16 миллионлик марра қайта забт этилди.

Шундан сўнг, мамлакат аҳолиси кичик фарқ билан бўлсада ўсиб келаяпти. Жумладан, 2013 йилда аҳоли сони 17 млн, 2017 йилда 18 млн, 2021 йилда 19 млн нафардан ошди.

2023 йил 16 ноябр куни эса мамлакат президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон аҳолиси сони 20 млн нафарга етганини ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали эълон қилди.

«Халқимизнинг сони 20 миллионга етди. Барчангизни ушбу муҳим воқеа билан табриклайман. Бахтли оила – миллат фаровонлиги ва мамлакат тараққиётининг гаровидир. Давлат оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни давом эттиради», дейилади Тўқаев эълон қилган хабарда.

Бу кўрсаткич билан Қозоғистон дунё давлатлари орасида 62-ўринни эгаллайди.

Ўзбекистондан фарқли равишда мустақиллик йилларида Қозоғистонда уч марта аҳолини рўйхатга олиш ишлари ўтказилган. Дастлабкиси 1999 йилда, иккинчи марта 2009 йилда, сўнггиси 2021 йилда ўтказилган.

Бугун Қозоғистон аҳолисининг 10 млн. нафардан ошиқроғини аёллар, қарийб 10 млн. нафарини эркеклар ташкил этади. Аёллар эркеклардан қарийб 400 минг нафарга кўп.

Қозоғистонда аҳолининг ўртача умр кўриш ёши 74,4 ёшни, бунда ўртача ёш эркекларда 70,2, аёлларда 78,4 ни ташкил этади.

Қозоғистон ҳудуди жуда катта. Шу сабабли бу ерда аҳоли зичлиги унча юқори эмас. Мамлакат бўйлаб ўртача 1 километр квадратга 7,3 нафар одам тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида ижобий демография кузатилаётган бўлсада, мамлакатимизда бу муаммо таълим тизими яъни: давлат ва нодавлат таълим муассасалари, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим, илмий-педагогик муассасалар, таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, соғлиқни сақлаш тизими кўрсаткичларида алоҳида ифодаланади.

Бугунги глобаллашув, иқтисодий ва сиёсий инқироз шароитида, демографик сиёсат ёрдамида бутун демографик вазиятни барқарорлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Айни дамда мамлакатлар ижтимоий-демографик сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш механизмлари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишлари зарур.

Ушбу ижтимоий-демографик сиёсат йўналишларини белгилашда қуйидаги вазифаларни бажариш ва изчил ҳал қилиш керак:



Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-демографик сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг назарий асосларини ўрганиш

ижтимоий-демографик сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича Европа иттифоқи ва бошқа илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш;

Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-демографик сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини ўрганиш;

Марказий Осиё республикаларидаги ижтимоий-демографик вазиятни таҳлил қилиш;

Марказий Осиё мамлакатларининг демографик прогнозларини ишлаб чиқиш;

ижтимоий-демографик сиёсатни амалга ошириш самарадорлигига қаратилган чора-тадбирлар комплексини, шунингдек, Марказий Осиё давлатларида ижтимоий-демографик вазиятни яхшилашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш.

Демографик жараёнлар давлатнинг кейинги иқтисодий ўсишига ўз таъсирини ўтказди. Бундай шароитда демографик сиёсат ёрдамида бутун ижтимоий-демографик вазиятни барқарорлаштириш зарур бўлади. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш учун энг аввало уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлашимиз керак. Бунинг учун демографик сиёсат жавоб беради.

Демографик сиёсат - бу давлат органлари ва бошқа ижтимоий институтлар аҳолининг такрор ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги мақсадли фаолияти. У аҳолининг кўпайиши, аҳоли динамикаси тенденцияларининг ўзгариши (туғилиш, ўлим) ва уларнинг ўзгариш тезлиги, оила таркиби, ички ёки ташқи миграция ва ҳаёт сифатининг хусусиятлари учун ижтимоий мақбул режимни шакллантириш учун ҳаракат қилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, демографик сиёсат барча давлат органларининг самарали стратегик ривожланиш учун мамлакатни зарур миқдордаги резидентлар сони билан таъминлаш бўйича кенг қамровли комплекс фаолиятидир.

Демографик сиёсатнинг тузилиши мақсадлар тизимини ва уларга эришиш воситаларини ишлаб чиқиш шаклида иккита муҳим ва ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади. Қоида тариқасида, демографик сиёсатнинг мақсадлари сиёсий дастурлар, сиёсат режалари ва декларациялар шаклида, шунингдек сиёсат чораларини ишлаб чиқишни белгилайдиган барча ҳужжатларда (стратегик дастурларда, ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳукуматлар ва бошқа ижро этувчи органларнинг операцион фаолияти режаларида) шакллантирилади

Шуни таъкидлаш керакки, демографик ривожланиш жуда қаттиқ назорат остида бўлиши, муайян демографик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар учун мақсадли ёндашув зарур. Шу билан бирга, минтақавий иқтисодий сиёсат ижтимоий-иқтисодий тизимни мувозанатда сақлаш кераклигидан келиб чиқиши керак. Ижтимоий-демографик жараённинг умумий характери тизимнинг барча хусусиятларида намоён бўлади ёки аксинча, иқтисодиётнинг ҳолати кўплаб демографик кўрсаткичларнинг динамикасига доимий таъсир қилади.

Шундай қилиб, ҳудудлар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоқалар турли ресурслардан фойдаланишга таяниши мумкин, бу ерда фуқаролар

асосий ҳисобланади. Шу билан бирга, инсон салоҳиятининг тузилиши (демографик потенциал) минтақавий ижтимоий-иқтисодий сиёсатни бошқариш объекти бўлиб хизмат қилади ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш миллий дастурларининг муайян вазифаларини амалга ошириш имкониятини беради.


Демографиянинг учта асосий вазифасини ажратиб кўрсатамиз:

демографик жараёнларнинг боришига сезиларли таъсир кўрсатадиган тенденция ва омилларни ўрганиш;

демографик прогнозларни тузиш;

демографик сиёсат чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Демографик сиёсатнинг тузилишини ҳам ҳисобга олиш керак. У қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: демографик ривожланиш концепцияси; демографик сиёсатнинг муайян мақсадлари; амалга ошириш дастурлари, яъни демографик сиёсат режалари тизими; жорий этилган чора-тадбирлар самарадорлигини ҳисоблаш (2-расм). Компонентларнинг ҳар бири ажралмас қисм бўлиб, уни тузилмадан алоҳида ишлатиб (фойдаланиб) бўлмайди.



## 2-расм. Демографик сиёсатнинг тузилиши

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муайян механизмни такомиллаштириш учун нафақат унинг ишлаш хусусиятини, балки келажақда мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини ҳам билишимиз керак. Бугунги кунда демографик вазиятга бир қатор таҳдидлар таъсир кўрсатмоқда: аҳолининг босқичма-босқич ўзгариши, экология ва соғлиқни сақлаш соҳасининг ёмонлашуви, фуқароларнинг ўртача умр кўриш даражаси ва бошқалар. Мавжуд муаммолар мамлакатлар тараққиётига тўсиқ бўлиши мумкин. Шу муносабат билан биз Марказий Осиё давлатларида демографик вазиятнинг ривожланиши учун прогноз қилишимиз зарур.

Инсон туғилиши ва вафот этиши орқали авлодлар алмашиши жараёнида аҳоли сони ва таркиби мунтазам янгиланиб туради. Аҳолининг такрор ҳосил қилиниши ўз ичига аҳоли таркибининг ёши, жинси, ижтимоий гуруҳлари, миллати, оилавий ҳолати, таълим даражаси, касбий таркиби бўйича ривожланиши ва янгиланишини камраб олади. Жамиятнинг тарихий ривожланиши маъносида аҳолининг такрор ҳосил қилиниши ижтимоий тараққиёт билан биргаликда ўзгариб бораверади.



### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
4. Ш.Пўлатов. Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш стратегияси. Ўқув қўлланма. Т.: “Ёш куч”, 2019, 592 бет
5. Р.Х.Жўраев, С.Т.Турғунов. Таълим менежменти. Умумий ўрта таълим суассасалари директорлари учун қўлланма. Т.: “Ворис-Нашириёт”-2006, 263 бет.
6. А.Раджиев, Ф.Каримов, А.Ибрагимов. ТАЛИС-2018 Халқаро тадқиқотлари талаблари асосида ўтказилган сўровнома ва тадқиқот ҳисоботининг маълумотлар тўплами. 2-қисм. Тошкент-2022. 119 бет.